

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ ЎРНИ ТЎҒРИСИДАГИ МУҚОБИЛ ИЛМИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАР ТАҲЛИЛИ

Эгамбердиев Комрон Фармонқул ўғли
Тошкент Вэбстер Университети Ҳамкорлик ва
жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи

Аннотация: Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси атроф-муҳитга таъсир, унинг деградацияси, мамлакат иқтисодий фаровонлигининг эришилган даражаси билан узвий боғлиқдир: бу фаровонлик қанчалик юқори бўлса, деградация даражаси шунчалик паст бўлади, деган қонуниятга асосланади

Калит сўзлар: табиий ресурс, иқтисодиёт, экология, муҳофаза, сифат миқдор, табиат.

«Табиатдан фойдаланиш» тушунчаси ўтган асрнинг 60-йиллари охирида, табиатни муҳофаза қилиш, табиат ва жамият, табиат ва шахс ўзаро муносабатларини мувозанатга келтириш муаммоларига бўлган қизиқиш кучайган пайтда илмий муомалага киритилди ва кенг қўлланилмоқда. Ҳозирги замон географиясида, иқтисодиёт, экология ва бошқа илмий адабиётларда «табиатдан фойдаланиш» тушунчаси турлича таърифланади.¹ Бир гуруҳ муаллифлар, шу жумладан, Ю. Куражковский табиатдан фойдаланишни алоҳида фан сифатида ўрганади, унинг вазифаси «табиатдан, унинг ресурсларидан бевосита фойдаланиш ёки унга ўзгариб бораётган таъсири билан боғлиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишнинг умумий тамойилларини ишлаб чиқиш»дан иборат, деб қарайди.² К. Благосклонов, А. Иноземцев, В.Тихомировлар бу тушунчанинг мазмунини табиий ресурслардан фойдаланишни рационаллаштириш билан боғлаб тушунтирадилар.³ Бу фикрни В. Анучин ҳам ёқлайди.⁴

Бу тушунчанинг «Инсоннинг Ер биосферасида юз берадиган табиий жараёнларга мақсадга йўналтирилган аралашуви» сифатида тўлароқ ва кенгрок талқини Н. Федоренко, Б. Ефремовлар томонидан берилган.⁵ Бунда табиатдан фойдаланиш жараёнининг мазмуни «Инсониятнинг Ер географик ҳолатига таъсир мажмуи» сифатида аниқланган ва тармоқ тушунчалари: сувдан, ердан, ўрмондан фойдаланиш кабилардан фарқли равишда комплекс ҳолда ўрганилган.

Н. Реймерс табиатдан фойдаланишни «хўжаликнинг алоҳида соҳаси» сифатида таърифлайди.⁶ Б. Родоман эса «табиатдан фойдаланиш» тушунчаси таркибига кишилар фаолияти ва уларнинг «қайсар табиат» билан муносабатини

¹ Биз бу тушунча мазмунининг динамик ўзгариш тенденциясини таҳлил қилишни, унинг тарихий ривожланиши билан боғлаш лозим, деб биламиз.

² Куражковский Ю.Н. Очерки природопользования. -М.: Мысль, 1969., с. 4.

³ Благосклонов К.Н., Иноземцев А.А., Тихомиров В.Н. Охрана природы. -М.: Высшая школа, 1967, с. 12.

⁴ Анучин В.А. Основы природопользования. Теоретический аспект. -М.: Мысль, 1978. с.23.

⁵ Ефремов Ю.К. Природопользование. БЭС. 3-е Изд., Т. 20, 1975. 595-596 б. Федоренко Н.П. Экономические проблемы оптимизации природопользования. -М.: Наука, 1973. с. 8.

⁶ Реймерс Н.Ф. Экологическое планирование и прогнозирование в системе управления народным хозяйством. Проблемы взаимодействия обществ и природы. -М.: МГУ, 1974. с. 80.

киритади.⁷ Н. Чепурних бу тушунчада «ўрганилаётган худудда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг зарурий даражасини таъминлашда аҳоли турмуш сифатини яхшилаш билан боғлиқ экологик ва ижтимоий муаммолар бутун бир мажмуи»ни тушунади.⁸

Бу таърифлар табиатдан фойдаланиш мураккаб жараёнининг фақат алоҳида томонларини акс эттириб, гоҳ табиий ресурсларни ўзгартириш ва ўзлаштириш амалиёти сифатида, гоҳида табиатдан фойдаланишни оқилонлаштириш ёки жамият табиий турмуш шароитларини яхшилаш сифатида ўрганилади. Шу билан бир қаторда, инсон томонидан табиатдан экстенсив фойдаланишнинг оқибатлари кўпинча ўрганилмай қолади.

Ю. Михайлов фақат табиатга антропоген таъсир ва унга табиатнинг жавоб таъсири табиатдан фойдаланишнинг ажралмас жараёнини ташкил этади, деб ҳисоблайди. Табиатдан фойдаланиш, деганда у табиий неъматлардан фойдаланишнигина эмас, балки инсоннинг табиатга таъсир хусусиятлари, кўламлари ва экологик оқибатларини ҳам тушунади.⁹

Табиатдан фойдаланиш жараёнини бошқариш тавсифидан, уларнинг оқибатлари ва турларидан келиб чиқиб режали ва стихиявий, рационал ва нораціонал, пассив ва актив ва бошқа йўналишлари ҳақида гапириш мумкин. Бу таърифдан, табиатдан фойдаланиш жараёни ижтимоий макон ва тарихий замон кўламлари, сифат-миқдор натижалари, табиий тизимларнинг бузилиш суръати каби кўрсаткичлар билан аниқланиши керак, деган хулоса келиб чиқади.

А. Шейнгаузнинг фикрича, табиатдан фойдаланиш - ё табиий ресурслардан бевосита фойдаланишнинг худудий мажмуаларига таъсир кўрсатиш билан боғлиқ амалий фаолият бўлиб, фақат бу ресурсларни иқтисодий самарали ишлаб чиқаришга жалб қилишнигина эмас, балки уларнинг тикланиши ва ўзгартирилишини ҳам кўзда тутаяди.¹⁰ Табиатдан фойдаланиш мегатизими, унинг фикрича: «табиат ва жамият» муносабатида юзага келадиган очиқ тизим сифатида тушунилади. Табиат учун иккинчи тартибли тизим бўлиб биосфера, педосфера, гидросфера, атмосфера ва литосфера, жамият учун эса ижтимоий ва хўжалик (иқтисодий) соҳалари иккинчи тартибли тизим ҳисобланади. Табиатдан фойдаланиш бу соҳалар учун инсон томонидан ресурслар, компонентлар, табиий жараёнлардан фойдаланилишдан иборат икки мегатизим ўртасидаги алоқа йўли кўринишида намоён бўлади.

Маълумки, табиий неъматлардан фойдаланишда барча хўжалик соҳалари ўзаро боғлиқ, лекин Ю. Михайловнинг таърифлашича, табиатдан фойдаланишни алоҳида хўжалик соҳаси сифатида, алоҳида фан сифатида ўрганиш мумкин эмас. Чунки инсоннинг манфаат ва эҳтиёжлари чексиз бўлиб, бирорта алоҳида олинган билим соҳаси, уни тўлиқ қамраб ола олмайди. Яъни табиатдан фойдаланиш соҳаларининг кўплиги табиий-тарихий, иқтисодий, ижтимоий, техник,

⁷ Родоман Б.Б. Территориальная структура регионального природопользования // География и практика. Иркутск, 1978. с. 19.

⁸ Чепурних Н.В. Учет экономических, социальных и экологических проблем при построении региональных программ природопользования // Управление природой. М.: Наука, 1979. с. 19.

⁹ Қаранг: Михайлов Ю.П. Географические грани процесса природопользования // География и природные ресурсы. 1980. № 3, с. 160.


¹⁰ Қаранг: Шейнгауз А. Лесное ресурсосведение как биоэкономический подход // География и природные ресурсы. 1984. с.72.

географик, экологик ва бошқа ёндошувларнинг муқобиллигини белгилайди.¹¹ Улардан ҳар бири, ўз навбатида, қатор хусусий соҳаларни ўз ичига олади ва муайян фаннинг тадқиқот доирасини белгилайди. Масалан, географик ёндошув табиатдан фойдаланишнинг у ёки бу турини эмас, балки унинг муайян ҳудудда аниқ жойлашуви билан биргаликда ўрганади. Шунинг учун ҳам бизнинг фикримизча, географик ёндошув табиатдан фойдаланиш жараёнини бошқа фанлар ёрдамида ўрганиш ва баҳолашда, ҳудудий комплекс дастурларини яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги кўрсатилган таърифларни умумлаштирган ҳолда айтганимизда: *табиатдан фойдаланиш – ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотлар, хизматларни ишлаб чиқариш мақсадида инсон (техник воситалар ва технологиялар билан бирга) ҳамда табиий тизим ва жараёнларнинг тегишли макон-вақт кўламларида бевосита ўзаро таъсирланиши, муносабатларининг турли шакллари ва йўналишларидир.*

Табиатдан фойдаланишни: бир томондан, табиий; бошқа томондан эса, ижтимоий ёки социал-иқтисодий тизимларнинг ўзаро таъсирлашуви жараёни тарзида ҳам қараш керак. Зеро, табиий тизимга инсон таъсир кўрсатмаса, «табиатдан фойдаланиш» абстракт характерга эга бўлади. Агар табиий тизим муайян туман, минтақа доирасида инсон билан ўзаро таъсирлашса: ўзлаштирилган минтақалар, яъни корхоналар, транспорт ва энергия тармоқлари, шаҳарчалар бунёд этилса, бу табиатдан минтақавий фойдаланиш бўлади (1-расм).

Табиатдан фойдаланиш соҳаси¹²



бу ерда Ж-«жамият» тизими
Т-«табиат» тизими
ТФ-табиатдан фойдаланиш соҳаси
1-расм

Минтақавий табиатдан фойдаланишда¹³ алоҳида ҳудудни минтақа доирасидаги тармоқ ёки интеграл минтақалаштириш тизимига янада қатъийроқ ажратилади. Масалан, минтақавий табиатдан фойдаланиш саноат, қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва сув хўжаликларини минтақалаштириш тизимларида, янада тўлароқ эса - иқтисодий ёки табиий хўжалик туманлаштириш тизимида ўрганилиши экологик омилларнинг самарадорлигини ошириш имкониятини беради.

¹¹ Қаранг: Михайлов Ю.П. Географические грани процесса природопользования. // География и природные ресурсы. 1980. № 3. 162-б.

¹² Чизма диссертант томонидан ишлаб чиқилди.

¹³ Биз “Минтақавий табиатдан фойдаланиш” ва “табиатдан минтақавий фойдаланиш” тушунчаларини синонимлар тарзида, ўз ўрнига қараб қўллаганмиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (Янги таҳрири) - Т.: Ўзбекистон, 2021.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни, 2019йил 18-июл ЎРҚ-549-сон
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 22-декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш шора-тадбирлари тўғрисида”ги РФ-4895-сонли Фармони .
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 5-январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимша шора-тадбирлар тўғрисида”ги РФ-5611-сонли Фармони .
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 19-мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги шора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.//Халқ сўзи, 2020-йил 20-март.
6. Мирзиёев Ш.М.Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак: Мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2017йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг енг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. –Т.:”Ўзбекистон”/
7. Абдурахмонов Қ.Х., Тохирова Х.Т. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш. Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. - Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, ТДИУ, 2014.
8. Абулкасимов Ҳ.П., Ҳамраев О.Я. Иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш. -Т.: Иқтисод-молия, 2014.
9. Абулкасимов Ҳ.П., Абулкасимов М.Ҳ., Топилдиев С.Р. “Иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш усуллари” Дарслик.–Т.: 2019. -225 бет.
10. Захидов Г., Ҳотамов И., Егамбердиев Ш.. “Реал секторни давлат томонидан тартибга солиш”. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Иқтисодий, 2019 йил, 240 бет.